

Ғийбат - биродарлик кўксига урилган ханжардир



10:40 / 03.08.2022 3042

Аллоҳ таоло бутун махлуқотларининг ичида инсонни мукаррам ва мукамал қилиб яратди. Яхшидан ёмонни фарқлай олиши учун ақл берди, қалбидаги ва ақлидаги туйғуларини ифодалаши учун илоҳий лутф бўлган тил ато қилди.

Аллоҳ таоло бизга ҳар хусусда чиройли ва хайрли амаллар қилишимизни, хунук ва ёмон амалларнинг барчасидан узоқда бўлишимизга буюрди.

Аллоҳ бизларни қайтарган, дунё ва охиратимизга зарар келтирадиган ёмон амаллардан бири бу ғийбатдир. У Зот ғийбатнинг ўта жирканч иш эканини баён қилиб шундай деган: «... **Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирортангиз ўлган биродарининг гўштини**

ейишни яхши кўрадимиз? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар!...» (Ҳужурот сураси, 12-оят).

Ғийбат – биродаримизнинг орқасидан унга хуш келмайдиган, эшитса ранжийдиган гапни гапиришимиздир.

Ғийбат – биродаримизнинг орқасидан гапириб, унинг обрўсини тўкиб қул ҳаққини ейиш ҳисобланади.

Ғийбат – ишонч ва аҳилликга, хузур ва муҳаббатга, бирлик ва баробарликка, биродарлик илдизига уриладиган бир болтадир. Инсонийликка хос бўлмаган, мўминга ярашмаган, ҳар ҳил фитналарга сабаб бўладиган хунук бир ҳислатдир. Зеро биз бир-биримизга иймон риштаси билан боғланган мўмин биродарлармиз. Бу биродарлик, бинодаги бирининг устига бири қўйилиб мустаҳкам барпо қилинган ғиштлар кабидир.

Биродаримизни ҳатто имо ишора билан ҳам қалбини оғритмаслигимиз бу биродарликнинг шартларидандир. Бу ҳақида имом Бухорий ва имом Муслим Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан қилинган ривоятда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Тили ва қўлидан мусулмонлар саломат бўлган одам ҳақиқий мусулмондир»**, деганлар.

Ғийбат динимизда ҳаром қилингани ва Ислом ахлоқига зид бўлгани учун ғийбатдан узоқ бўлишимиз ва ундан қочишимиз керак бўлади. Ҳозирги кунимизда ижтимоий тармоқлар орқали ҳам ғийбатлар, тухматлар ўқиймиз ва кўрамиз. Ижтимоий тармоқларда мўмин биродарларимизнинг шахсияти, обрўси ва номуси ноҳақ поймол қилинади ва бошқаларга ҳам тарқатилади.

Абу Довуд Абу Барза Асламий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Эй тили билан иймон келтириб, қалбига иймон кирмаганлар жамоаси! Мусулмонларни ғийбат қилманглар, уларнинг айбини ахтарманглар! Ким уларнинг айбини ахтарса, Аллоҳ азза ва жалла унинг ўзининг айбини ахтаради. Аллоҳ кимнинг айбини ахтарса, уни уйининг ичидаёқ шарманда қилиб қўяди»**.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда эса: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин!»**, деганлар.

Тилимиздан фитна-фасод учун эмас ҳурмат ва иззат учун, ғийбат ва тухмат учун эмас, муҳаббат ва садоқат учун фойдаланишимиз керак. Сўзларимиз нафрат, шубҳа-адоват учун эмас, аҳиллик, дўстлик, биродарлик учун васила бўлиши керак. У Кунда Аллоҳ таоло розилигига ва абадий неъматларга ақлига, қалбига, тилига ва бошқа аъзоларига эга бўлиб, мўминларга хос тарзда ҳаёт кечирадиганлар эришади. Аллоҳ таоло барчамизнинг қалбимизни ёмон хислатлардан покласин.

«Аллоҳим! Албатта, мен Сендан қулоғимнинг шарридан, кўзимнинг шарридан, тилим шарридан, қалбим шарридан ва манийимнинг шарридан паноҳ сўрайман» («Сунан» эгалари ривоят қилганлар).

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф